

8-1-2018

TAX ACCOUNTING AND ANALYSIS: ABOUT SCIENTIFIC RESEARCH AND NEW APPROACH

A. Abdullaev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdullaev, A. (2018) "TAX ACCOUNTING AND ANALYSIS: ABOUT SCIENTIFIC RESEARCH AND NEW APPROACH," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Абдуллаев А.Б. – ТМИ,
мустақил изланувчи

СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ХУСУСИДА

Мақолада солиқ ҳисоби ва таҳлили илмий тадқиқига тизимли ёндошув зарурлиги ёритилган, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизими модернизациясининг ҳозирги босқичида корхонада солиқ ҳисоби ва таҳлилининг хусусиятлари, вазифалари ва услубиёти масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: солиқ ҳисоби ва таҳлили, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизими модернизацияси, корхонада солиқ менежменти, солиқ мониторинги, ҳалол (интизомли) солиқ тўловчилар.

В статье раскрываются необходимость системного подхода к изучению учета и анализа налогов, особенности, задачи и вопросы методики учета и анализа налогов предприятия в современных условиях модернизации системы бухгалтерского учета и налоговой системы в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: учет и анализ налогов, модернизация системы бухгалтерского учета и налоговой системы, налоговый менеджмент предприятий, налоговый мониторинг, добросовестные (дисциплинированные) налогоплательщики.

The article reveals the need for a systematic approach to the research of accounting and analysis of taxes, features, objectives and issues of methodology for accounting and analysis of company taxes in the modern conditions of the modernization of the accounting and tax system in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: accounting and analysis of taxes, modernization of accounting and tax systems, tax management of entity, tax monitoring, bona fide (disciplined) taxpayer.

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет ва солиқ сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг

йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида эса мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкни изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилганлиги таъкидланган [2].

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Бу шароитда солиқ тўловларини пухта режалаштириш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш орқали берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан мақсадли фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини тўғри ташкил қилиш ва унинг натижаларини амалиётга жорий этишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Корхонада солиқ ҳисоби ва таҳлилини талаб даражасида олиб бориш ҳар қачон ҳам нафақат корхона раҳбарияти диққат марказидаги масала, балки мамлакат иқтисодиёти реал сектори молиясини самарали бошқаришга оид давлат тадбирларининг ҳам муҳим йўналиши сифатида майдонга чиқади.

Корхонада ушбу маъсулиятли вазифа бош ҳисобчи, молиявий менежер зиммасига юклатилади ва “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ҳамда амалдаги Солиқ Кодексига мувофиқ олиб борилади.

Корхонада солиқ ҳисоби ва таҳлили соҳасида, жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритишда, солиқ менежментини самарали ташкил этишда ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги ўз навбатида, иқтисодиёт реал сектори молиявий имкониятларини яхшилашга ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодиёт шароитида шаклланган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими жаҳон иқтисодий тизимига дадил кириб бораётган мамлакатимиз учун замонавий талабларга жавоб бера олмай қолмоқда. Кейинги йиллар мобайнида халқаро андозаларга тўла-тўқис жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиш борасида кўпгина ислохотлар олиб борилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу андозалар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усулларини танлашда корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, ҳисоб ахборотининг ишончлилиги учун уларнинг масъулиятини ҳам оширмоқда. 2016 йил 13 апрель №УРК-404-сонли «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [3].

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда халқаро тамойилларга асосланган ҳисобварақлар режасининг қабул қилиниши навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Янги ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида, жаҳон иқтисодий интеграциясига қўшилишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳисобварақлар режаси, бир томондан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро андозаларга яқинлаштира, иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги муаммоларни барҳам топтиришга кўмаклашади.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиниши, энг аввало, унинг бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига бўлиб ўрганишимизни тақозо этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бухгалтерия ҳисобини бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратилган ҳолда ташкил қилиш нафақат корхонанинг, балки барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан, давлатнинг ҳам истиқболи учун хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади.

Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили илмий тадқиқига *янги*ча ёндошувда биринчидан, корхонада солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлиliga оид сиёсатни такомиллаштиришнинг зарурлиги давлат ҳисоб сиёсати, солиқ сиёсати ва иқтисодиётнинг жадал суръатларда шиддатли ривожланиш тадбирлари тизими призмаси орқали ўрганилиши; иккинчидан, солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили корхонанинг ҳисоб ва солиқ менежменти сиёсатидаги муаммоларнинг генезиси, сабаблари ва уларни бартараф этиш аҳамиятининг корхона иқтисодий барқарорлиги нуктаи-назаридан таҳлил қилиниши; учинчидан, солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлиlinи халқаро стандартларга кўра ташкил этиш ва бошқариш, халқаро солиқ келишувлари талабларига риоя қилган ҳолда солиқ ҳисоби ва таҳлиlinи такомиллаштириш механизмининг комплекс ҳолда тадқиқ этиш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Солиқ ҳисоби ва таҳлили тушунчаси бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб тараққий этган кўпчилик ривожланган давлатларда корпоратив ҳисобнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади [6].

Хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда стратегик солиқ менежментининг таркибий бўғини тушунилади. Жумладан, Карола Пессино ва Рикардо Феночиетто (Carola Pessino & Ricardo Fenochietto, 2016) тадқиқотларида қайд этилишича, солиқ ҳисоби ва таҳлили мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида корхона солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш ҳисобини самарали ташкил этиш ҳамда унинг солиқлар таъсиридаги молиявий имкониятлари истиқболларини таҳлил этишга қаратилган [7].

Жорж Чун-Ян Куо (George Chun-Yan Kuo) солиқ ҳисоби ва таҳлиlinи ҳозирги замон шароитида молиявий ҳисоб ва молиявий таҳлилнинг мустақил йўналиши деб қараб, бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозимлигини таъкидлайди [7].

Ермакова Е.А. «солиқ ҳисоби ва таҳлили тушунчасини замонавий давлат солиқ менежментининг мустақил йўналишларидан бири» сифатида талқин этиб, ташкил этилишига кўра унинг макро ва микро кўламдаги вазифаларини тавсифлайди [8].

Золочевская Е.У. таъкидлашича, «солиққа тортиш тизимида ҳисоб ва таҳлил ибтидоси давлат юзага келиш тарихи билан боғлиқ», «ҳозирги замон шароитида солиқ ҳисоби ва таҳлили молиявий ҳисоб ва молиявий таҳлилнинг сермашаққат ва масъулиятли бўғинларидан ҳисобланади» [9].

Олинган натижа.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими ва солиқ тизими модернизацияси шароитида солиқ ҳисоби ва таҳлили илмий тадқиқига тизимли ёндошув уни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги муносабатлар мажмуи сифатида ўрганишни талаб этади: халқаро миқёсида (солиқ ҳисоби ва таҳлилида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва халқаро солиқ келишувлари талабларини инобатга олиш), мамлакат миқёсида (солиқ ҳисоби ва таҳлилини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, унинг тармоқ хусусиятлари ва амалдаги солиқ қонунчилиги талаблари асосида ташкил этиш), корхона миқёсида (корхонанинг ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш) (1-расм).

Юридик шахслар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланиши, аввало, уларда солиқ ҳисобининг қай даражада юритилишига боғлиқ. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда ҳисобнинг асосий вазифалари белгилаб олинади. Солиқ ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- юридик шахслар томонидан солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш;
- ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни давлат бюджети ҳамда давлатнинг мақсадли фондларига ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлардан кенг фойдаланиш.


Солиқ қонунларида корхоналарни муайян шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилиши мумкин. Бу имтиёзлар ўз моҳиятига кўра уч гуруҳга бўлиниши мумкин: а) истиснолар; б) чегирма (скидка); в) солиқ кредити.

Истиснолар — бу айрим предмет (объект)ларни солиқдан озод қилишга қаратилган имтиёзлардан иборат.

Масалан, ногиронлар учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи, ишловчилар сонининг эллик фоиздан ортиғи ногиронлар бўлган корхоналарнинг даромад (фойда) солиғидан озод қилиниши.

Истисно тариқасидаги имтиёзлар эгри солиқларга ҳам, барча солиқ тўловчиларга ёки уларнинг муайян тоифасига доимий равишда ёки вақтинчалик равишда берилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, халқаро солиқ келишувлари



1-расм. Бухгалтерия ҳисоби тизими ва солиқ тизими модернизацияси шароитида корхона солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили

Чегирма (скидка) — солиқ солиш базасини қисқартиришга қаратилган имтиёздан иборат. Чегирмалар даромадларга нисбатан эмас, балки харажатларга нисбатан қўлланилади, яъни муайян ҳолатларда айрим харажат суммалари солиқ базасига киритилмайди, яъни солиқ солинадиган даромадлар доираси имтиёзли тарзда ҳисобга олинган харажат ҳисобига камайтиради.

Чегирмалар лимитланган (чегирма ҳажми чекланган) ёки лимитланмаган бўлиши, умумий (ҳаммага берилган) ёки махсус (айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга берилган) бўлиши мумкин.

Солиқ кредити — бу солиқ ставкаси ёки миқдорини камайтиришга қаратилган имтиёз бўлиб, ҳар доим ҳам қайтарилиши, вақтинчалиги ва ҳақ олиш эвазига берилишини англатавермайди ва кўпчилик ҳолларда солиқ кредити шаклида берилган имтиёзлар қайтариб олинмайди. Масалан, кичик корхоналар очилган пайтдан бошлаб маълум давр давомида солиқ соҳасида имтиёздан фойдаланади. Аммо, улар қонунда белгиланган муддат тамом бўлмасдан ўз фаолиятини тўхтатса, бу имтиёздан маҳрум бўлади ва ўтган давр учун, яъни ташкил топган пайтдан бошлаб солиқ тўла ҳажмда олинади, солиқ юзасидан берилган кредит шаклидаги имтиёз қарз сифатида қайтариб олинади.

Корхоналарнинг аризасига мувофиқ солиқ тўлаш муддати кечиктирилиши ёки уни бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши мумкин.

Корхоналар солиқлардан ташқари йиғимларни ҳам тўлайдилар. Йиғимлар солиқлардан фарқ қилиб, маълум ижтимоий хизматлар кўрсатилгани учун, яъни ҳақ баробарида амалга ошириладиган тўловлар саналади.

Юридик шахслардан олинадиган йиғимларнинг турлари миқдори, олиниш тартиблари қонунларда белгилаб қўйилади.

Солиқ тизимининг модернизацияси янги талаблари - 29 март 2018 йилда “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳавий бошқариш Миллий агентлиги томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси лойиҳасига мувофиқ солиқ оғирлигини камайтириш, имтиёз ва преференциялар самарадорлигини таъминлаш, солиқ органи ва солиқ тўловчи ўртасида «ҳамкорликда ўсишга» асосланган янги механизмнинг жорий этилиши билан хусусиятланади.

Бухгалтерия ҳисоби тизими модернизациясининг янги талаблари – бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, бозор иқтисоди талабларига мувофиқ миллий стандартларни ишлаб чиқишни кўзда тутди. Шу мақсадларга эришмоқ учун *бухгалтерия ҳисоби модернизацияси* куйидаги масалаларни ҳал қилиши керак:

- бозор иқтисоди шароитида молиявий ҳисоб концепциясини барпо этиш;
- бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари, миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни молиявий ҳисобот шаклларида умумлаштириш;
- бухгалтерия ҳисобининг янги принципларига мос келадиган янги счетлар режасини ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларининг талаблари ва ҳисоб принципларига жавоб берадиган молиявий ҳисоботнинг янги шакллари ишлаб чиқиш;

-бухгалтерия ва солиқ ҳисобининг бўлинишини таъминлаш;
-ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобининг тегишли принципларини ишлаб чиқиш, хххаражат ва даромадлари тўғрисидаги тўлиқ ахборот билан таъминлаш;

-бухгалтерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жонлантириш;
-ўзгаришларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқлаштириш.

Солиқ тўловлари ҳисоби - корхонанинг солиқ мажбуриятлари юзага келишидан бошлаб солиқ тўлангандан кейинги молиявий натижага қадар бўлган жараёнлар бўйича ахборотларни кузатиш, тўплаш, гуруҳлаш, расмийлаштириш ва узатиш ҳамда таҳлил қилиш тизимининг асосий бўғинидир.

Солиқ тўловлари таҳлили – корхонада солиқ тўловлари бўйича фаолият натижалари ва унинг умумий самарадорликка таъсирини, бу соҳадаги имкониятларни аниқлашга имкон беради.

Корхона солиқ менежменти - солиқ мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, солиқ тўловларини имтиёз ва рағбатлар тизимини эътиборга олиб ҳисоблаш, тўлаш, таҳлил қилиш, ҳисоботни тайёрлаш, юбориш ва ушбу жараёнларни самарали бошқаришга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Корхона ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда умумқабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тамойил ва усулларни ҳўжалик юритувчи субъект ўзининг хусусиятларига мос ҳолда қўллашини ифодаловчи ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжатлар мажмуасидир.

Амалдаги Солиқ кодекси[6]да корхонада солиқ ҳисоби асослари юзасидан тегишли фикрлар баён этилган. Жумладан: “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилади” (49-модда); Бухгалтерия ҳисобининг мавжуд эмаслиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келса, солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилади (116-модда); Солиқ тўловчилар: қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши; давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши; солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши лозим (32-модда); Ҳисоб ҳужжатлари солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборатдир (41-модда); Ушбу Кодексда (42-модда) солиқ солишнинг турли тартиби назарда тутилган фаолият турларини амалга ошираётган солиқ тўловчилар солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари шарт.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Фаолиятнинг муайян турига тааллуқли барча даромадлар ва ҳаражатлар тегишли ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули орқали юритилиши мумкин.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш усули юридик шахснинг бутун календарь йилга мўлжалланган ҳисоб сиёсати билан белгиланади ҳамда йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида даромадлар, ҳаражатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар реализация қилишдан олинган соф тушумнинг умумий суммасидаги фаолиятнинг муайян турлари бўйича реализация қилишдан олинган соф тушум улушига мутаносиб тарзда шу муайян фаолият турига киритилади.

Тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули қўлланилганда даромадлар, ҳаражатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турга киритилади. Бунда фаолиятнинг бирон турига киритиш мумкин бўлмаган даромадлар, ҳаражатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобга олишнинг мутаносиб усули орқали фаолиятнинг муайян турига киритилади.

Таклиф ва хулосалар.

Солиқ ҳисоби ва таҳлилини самарали ташкил этиш ва бошқаришнинг истиқболга мўлжалланган сиёсати мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизимини макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш билан биргаликда солиқ менежментини такомиллаштириш воситасида нафақат корхона молиявий имкониятларини самарали бошқаришда, балки мамлакат молия тизими тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда солиқ ҳисоби ва таҳлили илмий тадқиқига *янгича ёндошувнинг фундаментал асоси* шунга таянмоғи лозимки, унда иктисодиёт либераллашуви ҳамда мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизими модернизацияси шароитидаги янги давлат сиёсати доирасида солиқ менежменти самарали фаолиятини таъминлашнинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ ҳисоби ва таҳлили амалиёти тизимли тарзда тадқиқ этилиши ва унинг диққат марказида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш ётиши лозим. Бундан ташқари, солиқ ҳисоби ва таҳлили тадқиқига *янгича ёндошувда*, биринчидан, солиқ ҳисоби ва таҳлилининг зарурлиги корхона тараққиёти молиявий асосларини мустаҳкамлаш тадбирлари тизими призмаси

орқали ўрганилади; иккинчидан, солиқ ҳисоби ва таҳлилининг хусусиятлари, вазифалари ва услубиёти корхонада фаол тадбиркорлик, инновацион ривожланиш имкониятларини рағбатлантириш нуқтаи назаридан ёритилади; учинчидан, солиқ ҳисоби ва таҳлилида солиқ мониторинги хизмати жорий этилиши билан боғлиқ янги талаб ва ўзгаришлар комплекс ҳолда тадқиқ этилади.

Мазкур янгича ёндошув асосидаги тадқиқ қуйидагиларни ҳал этишга имкон беради:

- мамлакат ривожланиш истиқболларига асосланган ҳисоб сиёсати ва солиқ сиёсати асосида корхоналар учун яратилган шароит ва иқтисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “корхона ҳисоб сиёсати”, “солиқ ҳисоби ва таҳлили” тушунчалари мазмунига тизимли ёндошувга асосланган янги таъриф бериш;

- корхоналарда солиқ ҳисоби ва таҳлили амалиётини тадқиқ этиш, унинг услубий муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тизимини бериш;

- солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида модернизациялашнинг замонавий векторларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг асосида “солиқ ҳисоби ва таҳлили услубиёти” нинг такомиллашган механизмни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда давлат фискал мақсади ва корхоналар молиявий имкониятларини оширишга қаратилган мамлакатимизда солиқ ҳисоби ва таҳлили амалиётини такомиллаштириш Концепциясининг махсус моделини ишлаб чиқиш;

- корхонада солиқ ҳисоби ва таҳлили тизимини “давлатнинг миллий ҳисоб сиёсати мақсадлари ва самарали дастаклари, солиқ тизими модернизациясининг устувор вазифалари ўзаро мутаносиб ва уйғун амал қилиши”ни таъминлаган ҳолда мукамаллаштириш, солиқ ҳисоби ва таҳлили амалиётида манфаатлар муштараклигини таъминлаш ва ҳисобни тўғри ва самарали юритиш орқали корхона молиявий имкониятларининг ўсиш истиқболларини таъминлашга оид таклиф ва тавсиялар бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 18 июл, ПФ-5116.

3. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни . Халқ сўзи. 2016 й. 14 апрель.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 декабрь 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли қарори. //www.lex.uz.

5. 2017 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 454-сонли Қонуни

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон.

7. Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?. International Monetary Fund.

8. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort.

9. Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34р.

10. Ермакова Е.А. Теория и методология государственного налогового менеджмента. -3-изд., Саратов: Изд.центр СГСЭУ,-2016. -687с.

11. Золочевская Е.У. Генезис теории учета и анализа в налогообложении // Управленческий учет. – 2014.- №10, с.81-88.